

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Пайарик туман Махалла ва нуронийларни куллаб-қувватлаш булими



Ш.Фармонов
1 Ш.Фармонов
9 декабрь 2022 йил

Пайарик туман Махалла ва оилани куллаб-қувватлаш
булими қурилиш моллари олиш учун ташкилотни танлаш
буйича

Танлов хужжатлари

БУЮРТМАЧИ: Пайарик туман Махалла ва нуронийларни
куллаб-қувватлаш булими

Самарканд -2022

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ КИЙМАТИ

1.1 Товар ва хизматларинг характеристикаси

№	Номи	Миқдори
1	Қурилиш моллари	50 000 000

1.2. Танлов киймати 50 000 000 (Эллик миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги тақифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Маҳсулт бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисда илова қилинган.

Ушбу танлов якушлари бўйича голиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Пайарик туман Маҳалла ва нуронийларни куллаб-қувватлаш булими (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Пайарик шаҳри

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда)

Низом маблағи миқдори.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозимю

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар маълумотлар “БУЮРТМАЧИ” ва “иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларига қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “БУЮРТМАЧИ” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

Нархлар қисми, Танлов шартларига белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади.

- фақат битта таклиф бериш мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларини ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган

тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР


6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборат камида ўн кунга

узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Бош мутахассис;

Омбор мудири;



Д.Ибрагимов

Ф.Сарманов